

Ироқ пайғамбарлари ва подшоҳликлари ҳақида



18:30 / 21.01.2019 5015

Иккинчи фасл

Арабистон яриморолида аҳоли кўпайгач, гуруҳ гуруҳ бўлиб шимоли шарқий тарафларга кўчиб кетгандан кейин уларнинг кўпчилиги Ироқда жойлашиб қолди ва зирот билан машғул бўлди. Улар дастлаб Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ибодат қилишди. Бироқ вақт ўтиши билан тўғри йўлдан адашиб, турли бут-санамларга сиғина бошлашди. Шунда расулларнинг биринчиси бўлган Нуҳ алайҳиссалом инсонларни Аллоҳ таолонинг динига чақира бошладилар. У зот алайҳиссалом мазкур диёрларда яшаб турган қавмлар учун пайғамбар қилиб юборилдилар.

Нуҳ алайҳиссалом

Нуҳ алайҳиссалом Идрис алайҳиссаломнинг авлодларидандир. У зотнинг оталарининг исми Ломакдир.

Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, у киши: «Одам билан Нуҳ орасида ўн аср (авлод) ўтган. Ҳаммаси Исломда бўлган», деганлар.

Одамларнинг диндан узоқлашиши

Аллоҳ таоло Одам Атони жаннатдан ерга туширгач, унинг зурриётига барака берди. Улар тезда кўпайиб кетдилар, касб-кор ўргандилар. Улар Одам Атога келган динга эътиқод қилиб, ягона Аллоҳга ибодат қилиб яшай бошладилар. Одам алайҳиссалом авлодларини то қиёматгача хайрли ишлардан қайтаришга онт ичган шайтон бу ҳолга тоқат қила олмади. Кишиларни ширкка чақириш, бут-санамларга ибодат қилдириш пайига тушди. Одам Атонинг дастлабки авлодлари ичида Аллоҳдан кўрқадиган, тақводор, солиҳ кишилар бор эди. Атрофдагилар уларни яхши кўришар, ҳурмат қилишарди. Вақти-соати етиб, улар оламдан ўтганларидан сўнг шайтон қолган кишиларни: «Агар сизлар вафот этган солиҳ кишиларни ҳақиқатда яхши кўрсангиз, уларни эслаб туришни хоҳласангиз, суратларини чизиб кўйинг, эртаю кеч кўриб турасизлар», дея васваса қила бошлади. Бу гап одамларга ёқиб тушди. Аввалбошда суратларига қараб, уларни эслаб туришди. Сўнг суратлар ўрнига ҳайкаллар қилиб, ибодатхона ва уйларга кўйишди. Улар бу ҳайкаллар ҳеч кимга фойда ҳам, зарар ҳам келтира олмаслигини яхши билишса ҳам, лекин солиҳ кишиларнинг баракаси умидида ҳайкалларни ҳурмат қилишарди. Вақт ўтиши билан ҳайкалларнинг сони ҳам, уларга бўлган иззат-икром ҳам ортиб бораверди. Қайси солиҳ киши вафот этса, унга ҳайкал кўядиган бўлишди.

Кейинги авлодлар одамлар ўз оталарининг ҳайкалларини улуғлаётганларини, уларнинг ҳузурида дуо қилишаётганини кўриб вояга етдилар. Охир-оқибатда кишилар ҳайкалларга сажда қиладиган, улардан ёрдам сўрайдиган ва уларга қурбонлик атайдиган бўлиб қолишди.

Янги пайғамбарлар юбориш зарурати

Ана шунда Аллоҳ таоло адашган бандаларига раҳм қилиб, уларга тўғри йўлни кўрсатиши учун пайғамбар юборишни ирода қилди.

Парвардигор бу пайғамбар одамларнинг ўзларидан бўлишини хоҳлади, чунки пайғамбар Аллоҳ таолонинг фармонларини кишиларга етказиш билан бирга, ўз ҳаётига татбиқ қилиб, ўрнак бўлиши ҳам зарур эди. Агар пайғамбар фаришта бўлса, одамлар: «Бу фаришта. Унинг биздан устунлиги бор. Шунинг учун фармонларни бажариши ҳам осон, биз эса бажара олмаймиз», дея баҳона қилишлари мумкин эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло одамларга ўзларидан чиққан, ўзларига ўхшаш бир одам пайғамбар бўлса, бундай баҳонани пеш қила олмайдилар, деган ҳикмат билан шундай ирода қилди.

Шис ва Идрис алайҳиссаломлар набий сифатида ўз қавмларининг хатоларини тузатишга, тўғри йўлга бошлашга ҳаракат қилдилар, аммо улардан кейин аҳвол янада оғирлашди. Аллоҳ таоло яна янги пайғамбар юборишни ирода қилди.

Нух алайҳиссаломнинг юборилишлари

Ўша замонда яшаган кишилар ичида бойлар, зодагонлар кўп бўлишига қарамасдан, Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломни пайғамбар қилиб танлади. Нух олижаноб, солиҳ, ақлли, ҳалим, тўғрисўз, омонатли, меҳрибон одам эди.

Аллоҳ таоло у зотга ваҳий юбориб, қавмини динга чақиришга буюрди. Нух алайҳиссалом «Мен сизга пайғамбар бўлдим», деб қавмига мурожаат қилганларида, баъзилар: «Бу қачондан бери пайғамбар бўлиб қолибди? Кечагина биз билан юрган эди-ку!» дейишди.

Мутакаббир бойлар эса: «Аллоҳ шу қашшоқдан бошқани топа олмабди-да, нима, бошқалар ўлган эканми?» дейишди.

Яна бошқа бировлар: «Нух шу йўл билан обрў топмоқчи, бошлиқ бўлмоқчи», дейишди.

Шундай қилиб Нух алайҳиссалом ўз қавмини иймонга чорлади. Бут-санамларни тарк этиб, Аллоҳга ибодат қилишга даъват эта бошлади.

Бу ҳолатни Аллоҳ таоло Нух сурасида қуйидагича баён этади:

«Биз Нухни «Қавмингни уларга аламли азоб келишидан аввал огоҳлантир», деб ўз қавмига расул қилиб юбордик» (1-оят).

Нух алайҳиссалом Ироқнинг жанубида, ҳозирги Куфа шаҳри жойлашган ҳудуд атрофида яшаган аҳолига пайғамбар қилиб юборилганлар.

Нух алайҳиссалом «расулларнинг шайхи» деб ҳам аталадилар, чунки у зот беш «улул азм» («сабот-матонатли») пайғамбарлардан биридирлар.

(давоми бор)

«Ислом тарихи» китобидан